# «ЁШЛАРДА ҚАТЪИЯТ БЎЛСА...

## ЖАМИЯТДА УЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ, ОЛДИГА ҚЎЙГАН МАҚСАДГА ЕТИШИШ УЧУН ИШОНЧИ ОРТИБ БОРАДИ», — ДЕЙДИ ЎзХДП «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ МАРКАЗИЙ БОШҚАРУВИ РАИСИ СУҲРОБЖОН ИСМОИЛОВ

**Партия ёшлари етакчиси билан бўлган суҳбатимиз ҳам айнан партия фаолиятида ёшларининг ўрни, муддао ва вазифалари хусусида борди.**

**— Яқинда «Истиқбол» ёшлар қанотининг «Ёшларда фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифалари» мавзуида республика анжумани бўлиб ўтди. Қанотнинг дастурлари белгилаб олинди. «Истиқбол» ўз зиммасига олган асосий вазифалари хусусида тўхталсангиз.**

— Катта ҳаётга қадам қўяётган ёшлар фақат ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва жавобгарликларини яхши англаш билангина эмас, балки улардан амалий фойдалана олганларидагина ўз зиммаларидаги вазифаларни бажаришлари мумкин.

Шундан келиб чиқиб, «Истиқбол» ёшлар қанотининг мамлакатимиз ёшларида фаол фуқаролик позициясини шакллантиришдаги асосий вазифаси — ёшларимизга маърифатлилик даражасини оширишда кўмаклашишдир. Биз маърифатлиликни учта таркибий қисмдан: **касбий, сиёсий ва билимлилик** каби тушунчалардан иборат деб тушунамиз. Партиянинг ёш аъзолари ҳамда унинг хайрихоҳлари орасида шундай билимларни кенг ёйиш ва тарқатиш «Истиқбол» ёшлар қанотининг асосий вазифаларидан биридир.

**— Қанот ўз ишини нимадан бошлади? Бугунгача у нималарга улгурди?**

— Яқинда (шу ой) Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз фаолиятини бошлаганлигига бир йил тўлади. Шу бир йил ичида қанот партиянинг қошида унинг ёш аъзолари хайрихоҳларини бирлаштирувчи бирлашма сифатида шаклланиб улгурди.

Ўтган вақт мобайнида «Истиқбол» ёшлар қаноти биринчи навбатда қуйидаги дастурларни амалга ошириб келди; Партиянинг барча вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Қорақалпоғистон республикасидаги кенгашларида «Истиқбол» ёшлар қанотини шакллантириш, уларнинг дастурлари ва иш режаларини ишлаб чиқиш; қанот доирасидаги фаолиятга ҳар томонлама тайёрлаш мақсадида «Истиқбол» ёшлар қаноти Марказий Бошқаруви томонидан Тошкент ва Нукус шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида унинг жойлардаги туман ва шаҳарлардан келган фаоллари учун «Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари», «Ёшларга тегишли муаммолар мониторингини амалга ошириш», «Жамоат бирлашмалари фаолиятини стратегик режалаштириш асослари», «Самарали ёзиш қоидалари ва тамойиллари» каби мавзуларда амалий семинарлар ташкил этилди. Республика ҳамда минтақавий оммавий ахборот воситаларида ёшлар масалаларига, уларнинг жамиятдаги ўрнига бағишланган 100 дан ортиқ мақолалар ва материаллар тайёрланди. Улар орқали давлатимиз ва партиямизнинг ёшларга оид олиб бораётган сиёсатига жамоатчилик эътибори жалб этилди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан мамлакат бўйлаб ёшлар билан 150 дан ортиқ тадбирлар (спорт мусобақалари, турли саналарга бағишланган ёшлар акциялари, танловлар, конференция ва давра суҳбатлари, учрашувлар) ўтказилди. Кейинги пайтда давлатимиз сиёсатида ёшларга алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳамда «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан мамлакатимизнинг барча худудларидаги ёшлар вакиллари иштирокида «Ҳозирги кун ёшларида фаол фуқаролик позицияси, юксак маънавият ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш вазифалари» мавзуида 5 та минтақавий ва 2 та республика ёшлар анжумани ўтказилди.

**— Яқин орада яна қандай тадбирларни ўтказиш режалаштирилган?**

— Жорий йилнинг охиригача «Истиқбол» ёшлар қаноти ва унинг ҳудудий бўлимлари ягона иш режаси асосида қуйидаги тадбирларни ташкил этмоқчи;

1 ноябрь куни ЎзХДП ташкил топганлиги куни муносабати билан Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «ЎзХДПда ёшлар сиёсати» мавзуида давра суҳбатларини ўтказиш, 17 ноябрда умумжаҳон талабалар куни муносабати билан Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Мустақиллик даврида Ўзбекистонда талабалик: ютуқлар ҳамда муаммолар таҳлили ва талқини» мавзуида давра суҳбати ва мусиқали-бадиий оммавий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

20 ноябрда эса Халқаро кашандаликка қарши кураш куни муносабати билан Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги ёшлар ва талабалар орасида «Сен ҳам чекишга ҳақлисан, ЛЕКИН ўйлаб кўр» мавзуидаги акцияни ўтказмоқчимиз. 1 декабрь — Умумжаҳон ОИТСга қарши курашиш куни. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ёшлар орасида «Ўзбекистонда ОИТСга қарши курашишнинг ҳозирги кундаги муаммолари» мавзуида давра суҳбатини ташкил этиш, унга тегишли мутахассисларни маърузачилар сифатида таклиф қилиб, ОИТСга қарши курашиш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи материалларни тайёрлаб, суҳбат қатнашчиларига тарқатиш мўлжалланган. Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Ёшлар ОИТСга қарши!» шиори остидаги оммавий акцияларини ўтказмоқчимиз.

8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ижтимоий фанлар бўйича таҳсил олаётган талабалар орасида «Ёшларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш масалалари» мавзуида давра суҳбати ташкил этилади. Ёшлар орасида Конституция борасида билим ва маълумот ҳосил этиш учун керакли материаллар тайёрланади ва тарқатилади.

**— Ёшлар қаноти «парвози» кимларга боғлиқ деб ўйлайсиз? Қанотнинг аъзолари ва етакчиларидан нималар талаб этилади?**

— Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг парвози ва равнақи қуйидаги омилларга боғлиқ деб ўйлайман:

Аввало, шу қанотга қўшилган ва унинг доирасида фаолият юритаётган ёшларнинг ўзига мақсад ва вазифаларга, ўз кучларига тоғдек ишонч ва бошлаган ишни охирига етказишда етарли қатъият бўлиши керак. Кўп ҳолларда ёшлар қаноти вакилларида ўзлари айтаётган гаплари ва ёшларга қаратилган чақириқларига ишончнинг етишмаслиги сезилиб туради. Ёшлар ўз талаб ва ташаббусларини ҳаётга татбиқ этишда, раҳбарларга, керак бўлса партия раҳбариятига ҳам етказишда, қатъиятлироқ бўлишлари керак.

Шу ўринда партиямиз Марказий Кенгаши, унинг раҳбарияти «Истиқбол» ёшлар қанотининг парвози учун барча шарт-шароитларни яратиш ишларига алоҳида эътибор бераётганлигини таъкидламоқчи эдим. Бизнинг барча тадбирларимизга бош-қош бўлмоқдалар, ташаббусларимизни қўллаб-қувватламоқдалар. Вилоятлар даражасида ҳам бизни тушунадиган, ишларимизга мадад берадиган раҳбарлар оз эмас.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам, хусусан қатор туман ва шаҳарлар даражасида афсуски шундай эмас. Бунинг сабаби кўп нарсаларга боғлиқ.

Аммо бир нарсани эсдан чиқармайликки, энг яхши ташаббус ва саъй-ҳаракатлар ғайратли, шижоатли кишилар томонидан амалга оширилади.

Ўйлаймизки, бизнинг сафимиздаги ёшлар ана шундай йигит-қизлардир.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ суҳбатлашди.**

# ХОЖАИ ЖАҲОНДА ЯНГИ МАКТАБ

**БУХОРО.** Абдухолиқ Ғиждувоний руҳи мангу қўним топган муқаддас юрт яна бир илм маскани билан фахрланадиган бўлди. Хожаи жаҳон зиёратгоҳига олиб борадиган катта йўл ёқасида замонавий, меъморий ечими мукаммал янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

— Мактабимиз 315 ўринли бўлиб, уни 206-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари тез ва сифатли қилиб қуриб беришди, — дейди мактаб директори Ғолиб Нусратов. — 10 та синфхона, 5 та фан кабинети, спорт зали, футбол ва баскетбол майдончалари бугун ўқувчилар хизматида.

— Қурилиш учун 532 миллион сўм маблағ сарфланди, — дейди туман ҳокими Толибжон Қудратов. — Бундан ташқари, ҳомийлар томонидан 80 миллион сўмлик ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Кенг кўламдаги бундай ишлар тумандаги 20, 26, 31, 35-мактабларда ҳам бажарилди...

Тумандаги 66 та умумтаълим мактабининг ҳаммаси ҳам киши дилини қувонтиради. Уларда 4803 нафар ўқитувчи 53 мингдан зиёд ўқувчига миллий истиқлол ғояси асосида таълим-тарбия бермоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

• **Анжуман**

# КАМҚОНЛИК ВА ДОНОРЛИК МУАММОЛАРИ

**Ўзбек Миллий академик драма театри биносида Гематология ва трансфузиологиянинг долзарб масалалари, шунингдек, қон тизими касалликларининг давоси ва диагностикаси, донорлик, камқонлик муаммоларига бағишланган икки кунлик халқаро илмий-амалий анжумани бугун якунланади.**

Анжуманда Германия, АҚШ, Россия Федерацияси ва бошқа МДҲ давлатларидан етакчи мутахассис ва олимлар иштирок этдилар. Меҳмонлар орасида Россия Фанлар Академияси Гематология илмий марказий бош директори, академик А.Воробьев, профессор М.Фаворов, олмониялик профессор И.Блау ва соҳанинг бошқа нуфузли олимлари гематология ва трансфузиологиянинг бугунги долзарб мавзулари бўйича маъруза қилдилар.

Бугунги кунда жаҳон тиббиётида бадалсиз донорлик тизимини такомиллаштириш ва қон марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бинобарин, бадалсиз қон тизимини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир этади ҳамда аҳолини хавфсиз донорликдан фойдаланишига хизмат қилади.

— Республикангизда бадалсиз донорликни ривожлантириш учун имкониятлар мавжуд, — деди академик А.Воробьев. — Аммо бу борада жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади...

Анжуманда шунингдек, онкогематология хизматига замонавий талаблар, суяк кўмиги трансплантантининг ишлатилиши масалалари, республикамизда қон хизматини ислоҳ қилиш, Марказий Осиё давлатларида қон хизматининг эпидемиологик ҳолатини баҳолаш, камқонликлар бўйича Миллий дастурни қўллаш самаралари тўғрисида баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Бинобарин, ушбу масалаларнинг муҳокамаси катта аҳамият касб этади, чунки кейинги 10 йил ичида бутун дунё бўйича аҳоли орасида ОИТС, В ва С гепатитлари, онкология касалликларининг ўсиши кузатилмоқда.

Маълумки, республикамизда қон ва унинг препаратлари трансфузияси, донорликнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қон хизмати тизими такомиллаштирилмоқда. Бу борадаги лойиҳани амалга ошириш учун Осиё Тараққиёт Банки томонидан 7 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ ажратилган.

Мамлакатимизда 2006-2007 йилларда пойтахтдаги ва вилоятлардаги қон марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш кўзда тутилган.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Нукус шаҳрида «ЎзДЭУавто» корхонасида ишлаб чиқарилган автомобилларни сотиш билан шуғулланадиган «Нукус Автосавдо» масъулияти чекланган жамияти ишга тушди. Устав жамғармаси 30 миллион сўмни ташкил этган мазкур корхонада шартнома асосида «Нексия», «Лассети», «Дамас», «Матиз» русумли енгил автомобиллар сотилади.

— Корхонамизда, шунингдек, барча турдаги енгил автомобилларга сифатли техник хизмати кўрсатишни ҳам йўлга қўйганмиз, — дейди жамият раҳбари Узоқбой Мирзамуротов. —Ишчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.






*Суратларда: чапдан пайвандчи Адилбой Урозбоев ва катта уста Маҳмуд Абдиев; корхонанинг ташқи кўриниши.*

**Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

# РАССОМЛАРИМИЗНИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Бельгия санъат ва тарих Қироллик музейида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Алишер Алиқулов ва хизмат кўрсатган маданият ходими Валерий Енин асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонаси кўмагида ташкил этилган тадбир кўплаб мутахассис ва рассомчилик санъати мухлисларида қизиқиш уйғотди.

Бельгиялик санъат шайдоларининг эътиборига рассомларимизнинг охирги йилларда яратган энг сара асарлари ҳавола этилди. Кўргазма меҳмонлари А.Алиқулов томонидан ишланган машҳур саркарда ва сиёсий арбоблар, донишманд ва оддий инсонлар, жанг манзаралари, ўзбек халқининг тинч ва осуда кундалик ҳаёти акс этган тасвирларни юқори баҳолади. В.Енин асарларининг аксариятини эса юртимиз табиати гўзаллигини мадҳ этувчи пейзаж картиналари ташкил этади.

Нидерландиянинг «Adapt Communicatie Bv» агентлиги директори Томас Наги «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлган суҳбатда ўзбекистонлик рассомларнинг маҳорати билан бир қаторда асарлардаги мавзулар муваффақиятли танланганлигини таъкидлади.

**Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 3 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:****

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 916,14 | 1 Польша злотийси | 392,82 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2301,23 | 1 СДР | 1816,73 |
| 1 Дания кронаси | 209,15 | 1 Туркия лираси | 813,31 |
| 1 БАА дирхами | 335,05 | 1 Швейцария франки | 982,78 |
| 1 АҚШ доллари | 1230,54 | 1 ЕВРО | 1558,36 |
| 1 Миср фунти | 214,75 | 10 Жанубий Корея вони | 12,99 |
| 1 Исландия кронаси | 17,54 | 10 Япония иенаси | 104,06 |
| 1 Канада доллари | 1100,86 | 1 Россия рубли | 45,95 |
| 1 Хитой юани | 155,66 | 1 Украина гривнаси | 243,67 |
| 1 Малайзия ринггити | 333,71 | | |

**** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

# СИҲАТГОҲНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Ғаллаорол туманидаги Гулистон қишлоғида болалар даволанадиган санаториянинг эллик ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда болалар нафақат ўз соғлиғини тиклайди, балки ўқишини ҳам давом эттиради. Янги бино замонавий ўқув хоналари, шинам ётоқхона, кутубхона ҳамда ошхонага эга.

Тумандаги «Йўлдош» кичик корхонаси бунёдкорлари қуриб битказган мазкур сиҳатгоҳнинг даволаниш, яшаш ва ўқув хоналари замонавий жиҳозлар билан тўла таъминланди.

**Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири**

• **Қонун барчага баробар**

# БАДНАФСЛИК

## ОҚИБАТИДА ҚЎҚОН ШАҲРИДАГИ БИР ЗАВОД АСОССИЗ СОТИБ ЮБОРИЛГАНИ ХУСУСИДА

1

Бир пайтлар «Кўнчи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган тери маҳсулотларига водийнинг барча вилоятларида талаб катта бўлган. Шу туфайли корхона иқтисодий жиҳатдан гуркираган эди. Юзлаб оилалар мана шу корхона орқали рўзғор тебратишганди. Бироқ кейинчалик бу даргоҳ ишларига «кўз тегди». Аниқроғи ишлаб чиқаришнинг аҳволи ва сифати, хомашё таъминоти каби энг муҳим масалалар жамият мутасаддиларини умуман қизиқтирмай

2

қўйди. Бу эса ўз навбатида ишчи-хизматчиларнинг ҳам ҳафсаласини пир қилди. Натижада «Кўнчи» таназзулга юз тута бошлади. Унинг кредиторлик қарзлари ортгандан ортиб бораверди. Оқибатда...

Фарғона вилоят хўжалик судининг 2005 йил 28 мартдаги ҳал қилув қарори билан корхона банкрот деб топилди ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан Мавлуда Алиева тугатиш бошқарувчиси этиб тайинланди.

Тан олиш керак, бошқарувчи аввалига зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда иш юритди. Масалан, имкон қадар корхонанинг дебитор ва кредиторлик қарзларини ундириш чораларини кўрди. Айтайлик, кам баҳоли мулкларни сотиш эвазига 10 500 000 сўмлик иш ҳақидан бўлган қарздорликни бартараф этди. Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш Республика комиссиясининг 2005 йил 9 август кунги йиғилиш баённомасига асосан 10.548.800 сўмлик боқиманда қарзларнинг тўлов муддати бир йилга кечиктирилди, пенсия жамғармаси олдидаги боқиманда қарзларга ҳисобланган 22.658.200 сўмлик устамалар кечиб юборилди.

Шунингдек тугатиш бошқарувчиси 2005 йилнинг 26 августида корхонанинг «Ўқув-консалтинг-инвест» МЧЖ томонидан баҳоланган мулкларини кимошди савдосига чиқарганди. Бироқ ушбу мулкларга ҳадеганда харидор то-

3

пилавермади. Шу боис ўшандан кейинги 6 ой давомида 1.020.267.000 сўмлик мулкларнинг баҳоси икки маротаба 15 фоиздан камайтирилиб, яъни 737.142.907 сўмга баҳоланди ва яна савдога қўйилди. Аммо, ҳар иккала сафар ҳам харидор чиқмади. Бу орада тугатиш ишларини якунлаш муддати яқинлашиб қолди. Шунинг учун Мавлуда опа энди тугатиш ишлари муддатини яна 2 ойга узайтиришни сўраб борди-ю, ана шу муддатда ҳам мулклар сотилмаса, уларни кредиторлик қарзлар эвазига таклиф этиши ва ундан сўнг қолган мулкларни ҳиссадорларга қайтариш имкониятига эга бўлишини билдириб, вилоят хўжалик судига мурожаат қилди.

Вилоят хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ тугатиш ишлари муддатини 2 ойга узайтирди. Лекин бу муддат ҳам мулкларни сотиш масаласида бирор бир ижобий натижа бермади. Шундан сўнг М.Алиева корхонанинг «Намангангўшт» акциядорлик жамиятидан бўлган 1.790.303 сўмлик, Тошкент вилоятидаги «KIBO» қўшма корхонасидаги 1.954.700 сўмлик дебиторлик қарзларини ундиришини билдириб, тугатиш ишлари муддатини яна бир ойга узайтиришни сўради. Тугатиш бошқарувчиси келтирган бу галги важлар ҳам асосли эди. Бинобарин, суд яна унинг мурожаатини қондирди.

Шу ўринда бир гап: тугатиш бошқарувчиси лавозимига тайинланган шахс етарли ҳуқуқий билимга ва банкротлик ишлари бўйича катта тажрибага эга бўлиши керак.

4

Аммо Мавлуда Алиевада малака етишмадими ёки бошқа сабабми ҳар ҳолда у сўнгги муддатдан «унумли» фойдаланди. Яъни, бошқарувчи Фарғона шаҳридаги «Кунт» заводини «Кўнчи» акциядорлик жамиятининг филиали деб «тушуниб», заводни шаҳардаги «MISS SILYUVARD» хусусий фирмаси билан 45.000.000 сўмга баҳолашиб, 41.771.200 сўмлик уч томонлама олди-сотди шартномасини ва тўловни амалга ошириш жадвалини тузади. Ушбу жадвалга кўра, фирма раҳбари А.Парпиев тўловларни шартнома имзоланган кундан бошлаб амалга ошириши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 апрелда қабул қилинган **«Таркибий ўзгартириладиган корхоналарнинг, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиботи қўлланилган корхоналарнинг мол-мулкини баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисида»**ги қарорининг 24-бандида **«Мол-мулкни қиймати бўлиб-бўлиб тўланадиган ҳолда сотиш олди-сотди шартномаси билан расмийлаштирилади, шартнома тузилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида дастлабки бадал тўланишини назарда тутади. Бундай дастлабки бадал миқдори мол-мулк қийматининг камида 15 фоизини ташкил қилиши керак»** деб, 30-бандида эса **сотиб олувчида мулкка эгалик ҳуқуқи мол-мулк қиймати тўлиқ тўлангандан кейин тузилган рўйхатдан ўтказилган шартномага мувофиқ, зарур ҳолларда амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пайдо бўлиши** таъкидланган.

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ШОҲСУПАСИДА



Сослан ТИГИЕВ



Заурбек СОХИЕВ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Чемпионатнинг 74 килограмм вазн тоифасидаги курашчилар баҳсида Ватанимиз шарафини Сослан Тигиев ҳимоя қилди. Қатор халқаро турнирлар ғолиби, Осиё чемпионати совриндори бўлган ушбу вакилимизга мутахассислар катта ишонч билдиришганди. Ярим финалгача Ҳиндистон, Польша, Қирғизистон курашчиларидан устун келган Сослан ҳал қилувчи учрашувда украиналик Ибрагим Алдатовга қарши гиламга чиқди. Аммо мазкур беллашувда вакилимиздан омад бироз юз ўгирди. Ҳамюртимиз очколар ҳисобида кичик фарқ билан имкониятни бой бериб, (2:4) бронза медали билан кифояланди.

Ўз вазн тоифасида мамлакатимизнинг биринчи рақамли курашчиси саналган Заурбек Сохиев (84 кг.) учун ҳам кураш муваффақиятли бошланди. У дастлабки босқичларда Томас Бучели (Швейцария), Же Хон Хьюн (Жанубий Корея)ларни мағлубиятга учратди. Чорак финалда Заурбек Сохиев ҳамда японниялик Шиная Матсумото ўртасида кечган беллашув кўпчиликнинг диққат марказида бўлди. Осиёнинг энг тажрибали курашчиларидан бўлган Матсумотони доғда қолдирган Заурбек кейинги босқич йўлланмасини нақд қилди. Ярим финалда грузиялик Давид Бичинашвили билан кураш олиб борган вакилимизга бироз тажриба етишмади ва натижада Заурбек Сохиев терма жамоамизга иккинчи бронза медалини тақдим этди.

гиб, финалга чиқди. У ҳал қилувчи учрашувда россиялик Курамагомед Курамагомедовни катта устунлик билан мағлубиятга учратди — 4:1. Иккинчи маротаба жаҳон чемпиони, деган юксак номга сазовор бўлган музаффар ҳамюртимиз ғалабаси шарафига Ватанимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

Албатта, спортчиларимизнинг ушбу ютуғи ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ албатта. Бу мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ри-



Оғир вазнли курашчилар ўртасида жаҳон ва Афина олимпиадаси чемпиони Артур Таймазов (120 кг.) яна бир карра ўзининг дунёда тенгсиз эканлигини намойиш қилди. Артур ўта муросасиз ва қийин кечган баҳсларда Жозе Куба Васкуэс (Испания), Руслан Басиев (Арманистон), Отто Зольт Эубелей (Венгрия), Кара Рисэп (Туркия)ларни бирин-кетин енгиб, финалга чиқди.

вожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётганлиги, Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси томонидан мазкур спорт турини юксалтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратларда:** мусобақадан лавҳа; чемпионат ғолиб ва совриндорлари.

● **Аччиқ, аммо очиқ гаплар**

# БОЗОРДАГИ СПИРТФУРУШЛАР...

Ғиждувон туман давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) ходимлари томонидан хусусий тадбиркор Олима Латиповага қарашли савдо дўконида қисқа муддатли текшириш ўтказилган куни савдодан тушган 58000 сўм назорат касса машинасидан (НКМ) ўтказилмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, дўконда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 55000 сўмлик шакар ҳеч қандай кирим ҳужжатисиз сақланаётгани маълум бўлди. Натижада қонун-қоидани менсимаган тадбиркорга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида молиявий жарима қўллаш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Хўжалик суди томонидан ДСИнинг даъво аризаси қаноатлантирилиб, хусусий тадбиркорга нисбатан 995 минг сўм молиявий жарима қўлланилди.

Худди шундай ҳолат «Верника классик» МЧЖга қарашли савдо дўконида ҳам кузатилди. Дўконда ўрнатилган НКМдан ҳисобот олинганда сотувчи 300 минг сўм пулни ўз фойдасига яширгани аниқланди. Бундай қонунбузарлик учун жамият раҳбари Узоқ Каримовга (у бундан олдин ҳам шу ҳолатни содир этган) 1.880 минг минг сўм молиявий жарима қўллаш учун вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари, «Истам-сервис» хусусий фирмасига қарашли дорихонада савдодан тушган 11.980 000 сўм маблағ НКМдан ўтказилмасдан банкка топширилгани боис фирма раҳбари энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида жарима тўлади. Шунингдек, НКМдан ўтказилмаган 8 миллион 750 минг сўм пулни банкка топширгани учун 940 минг сўм жарима тўлаган «Ашур Қурбон Файз» хусусий фирмаси раҳбари Қурбон Ашуровнинг ранги оқариб кетди.

Фуқаро Шуҳрат Баҳромов «Ғиждувон Шарқ савдо» фирмасида иши анча юришгани боис қонунларни менсимай қўйди. Кўза кунда эмас кунида синади, деганлари ҳақ. Кўза синди. Фирманинг бюджетга 34770600 сўм қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар тўламаганлиги, бунинг устига 100 минг сўм савдо пуллари банк хазинасига топширилмасдан фирманинг турли эҳтиёжлари учун ишлатилганлиги ошкор бўлди. Ушбу камчиликларга йўл қўйгани учун фирма раҳбари Ш.Баҳромовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддасига асосан жиноят иши қўзғатилди.

«Интер Люкс» хусусий фирмасида ўтказилган текширишда эса бюджетга 5675700 сўм қўшимча солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланди. Устидан жиноий иш қўзғатилган фирма раҳбари У.Қодиров қинғир ишнинг қийиғи бугунги кунда қирқ йилда эмас, балки саноқли сонияларда ҳам чиқишига имон келтирди. «Хуршид-2» фермер хўжалиги раҳбари Ойбек Шодиев эса солиқларни яшириш ва қўшимча тўловлардан қочиш қимматга тушишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Хўжаликка солиқчиларнинг оёғи етгач, у типирчилаб қолди. Сабаби даромадни яшириш, чакана савдо гувоҳномаси олмасдан фаолият кўрсатиш, НКМни хўжакўрсинга қўйиш каби қатор қинғир «мақсадлар»и уни шарманда қилди. Барча ноқонуний хатти-ҳаракатлари эвазига унга жами 1 448 900 сўм молиявий жарима қўлланилиб, жиноят иши қўзғатилди.

Ғиждувон шаҳрининг Бобораҳим Машраб кўчасидаги 64-уйда яшовчи фуқаро Раъно Дўстова Ғиждувон бозори ҳудудида 1,5 литрли елим идишда (улар 224 дона бўлиб, 336 литрни ташкил этади) истеъмолга яроқсиз спирт маҳсулотини сотиб турганда ушланди. Унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддасига асосан жиноят иши қўзғатилди. Худди шундай жазо чораси Ибн Сино ширкат хўжалигининг «Корна» қишлоғида яшовчи Баҳодир Холиқов, Ғиждувон шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳусан Аслонов, «Тодон» қишлоғилик Акмал Боқиев каби спиртфурушлар ҳамда зарангарилик тамакифуруш Карим Ўриновларга ҳам қўлланилди.

Орамизда пул деса ўзини ўққа ҳам, чўққа ҳам урадиган, соғлиғини ўйламайдиганлар топилади. Шундай бўлмаса «Зарафшон» ширкат хўжалиги «Армичан», «Улфатбиби» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилувчилар — Мансур Ҳакимов, Шаҳобиддин Ғайбуллаев, Олия Раҳматова тиббиётга ҳеч қандай алоқалари бўлмай туриб, қишлоқдошларига ноқонуний тарзда дори-дармон сотармиди?

Шу ўринда бир мулоҳаза: эгнида оқ халат кийган ҳар қандай киши ҳам доришунос бўлолмайди. Дорихонага кирган ҳар бир фуқаро аввало харид қилаётган дори-дармонининг яроқлилик сертификатини сўраши даркор. Бунинг устига харид чеки ҳам зарур. Кўп ҳолларда бунга эътибор бермаймиз. Натижада муддати ўтган дори «шарофати»дан азият чекамиз.

Бугун мамлакатимизда ҳар бир кишининг тадбиркорлик билан эркин шуғулланиши учун барча ҳуқуқий асослар, шарт-шароитлар яратилган. Шундай экан, бизнес ҳалолликни ёқтиради. Ҳалол даромад топган киши жамиятга ҳам, давлатга фойда ҳам келтиради. Солиқдан бўйин товлаб, даромадини хаспўшлаганлар эса юқоридагилар каби эл ичида уятга қолиши, шубҳасиз.

**Ботирали ҒАНИЕВ,**
**Ғиждувон туман ДСИ шўъба мудири**
**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**


## МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонаси билан ҳамкорликда барча маҳаллий ва хорижлик сармоядорларни, бошланғич баҳосининг ошиши ва сармоя киритиш мажбуриятлари олиниши тартибида ўтказиладиган**

## ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

*Танлов савдолари 2006 йил 7 ноябрь куни соат 14.00 да Давлат мулки қўмитаси биносида ўтказилади.*

**Танлов савдоларига қуйидаги объект ва очиқ акциядорлик жамиятларининг акция пакетлари қўйилади:**

*1. Тошкент шаҳри, Сирғали туманида жойлашган, собиқ «Ўзбектрансқурилиш» уюшмасига қарашли бўлган «Тажриба таъмирлаш механика заводи» («ОРМЗ») мулкий мажмуаси қўйилади.*

**Бошланғич баҳоси — 248 620 400 сўм.**

*Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун сармоя киритиш мажбуриятининг энг минимал миқдори — **300 000 000 сўм.***

*2. «Toshkent temir beton buyumlari zavodi» очиқ акциядорлик жамиятининг 95 фоиз акция пакети, ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида энг юқори миқдордаги қўшимча сармоя киритиш мажбурияти билан қўйилади.*

**Бошланғич баҳоси — 282 937 000 сўм.**

*3. «Toshkent Gidromexanizasiya qurilish boshqarmasi» очиқ акциядорлик жамиятининг 90 фоиз акция пакети, ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида энг юқори миқдордаги қўшимча сармоя киритиш мажбурияти билан қўйилади.*

**Бошланғич баҳоси — 1 511 350 000 сўм.**

**Танлов савдоларида қатнашишни хоҳлаган сармоядорлар, савдо ўтказиладиган санадан камида уч кун олдин, ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт:**

*1. Танлов қатнашчисининг талабномаси (ихтиёрий шаклда);*

*2. Таъсис ҳужжатлари нусхалари (хорижлик сармоядорлар — ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари);*

*3. Сармоядор вакилига амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқлаб берилган ишончнома;*

*4. Сармоядорнинг тўлов салоҳиятига эга эканлигини тасдиқловчи, хизмат кўрсатувчи банкининг маълумотномаси;*

*5. Танлов савдоси объектига сармоядор таклиф этаётган, унинг бошланғич баҳосидан кам бўлмаган маблағ миқдори (таклиф баҳоси унинг бошланғич баҳосидан кам бўлса, у кўриб чиқилмайди);*

*6. Сармоядор олмоқчи бўлган сармоя киритиш мажбурияти миқдори, унинг бажарилиш муддатлари ва мақсадли йўналиши;*

*7. Савдо якунлари бўйича сармоядорга билдиришнома юборилиши учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.*

*8. Савдода қатнашиш учун савдо объекти кўрсатилган ҳолда закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжатининг нусхаси (конвертга солинмасдан шахсан тақдим этилади).*

*Жисмоний шахслардан — паспорт нусхалари.*

*Сармоя таклифлари икки нусхада (асли ва нусхаси) конвертга солиниб маҳкамланган ва шахсий муҳрлари билан тасдиқланган ҳолда «ОРМЗ мулкий мажмуасининг танлов савдосига» ёзуви билан шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши мумкин.*

*Ҳар бир сармоявий таклиф ва унинг ҳар бир саҳифаси, шахсан ваколатли шахс томонидан имзоланиши лозим.*

**Шунингдек, 2006 йилнинг 8 ноябрь куни соат 14.00 да Сирдарё вилояти «Гулистон нефть базаси» унитар корхонаси Сирдарё туман филиалига қарашли:**

*1. Гулистон тумани, Деҳқонобод қўрғони, А.Ясавий кўчасида жойлашган 2-сонли АЁҚШ.* **Бошланғич баҳоси — 67 370 900 сўм;**

*2. Гулистон тумани, Деҳқонобод қўрғони, А.Ясавий кўчасида жойлашган 2-сонли АЁҚШ филиали.* **Бошланғич баҳоси — 36 663 650 сўм** *бўлган объектлар аукцион савдоларига қўйилади.*

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни қўлдан бой берманг!**

Очиқ танлов ва очиқ аукцион савдоларида иштирок этишни истаган юридик ва жисмоний шахслар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-касса марказидаги 21508840000600289002 валюта ҳисобига ёки 21508000500600289001 махсус ҳисоб-рақамига закалат пули тўлашлари шарт. МФО-00014, СТИР-201122696.

*Танлов савдоларида иштирок этиш учун закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин, аукцион савдоларига аризаларни қабул қилиш эса бир кун олдин тўхтатилади.*

*Қўшимча маълумотлар учун «Respublika Mulk-Auksioni» давлат унитар корхонасига мурожаат қилишингиз мумкин.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 55-уй, 14-қават, 6-хона. Телефон: 139-21-03, 139-22-37, 139-21-87. Факс: 139-14-84.**


# ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ ЯНА ТОШКЕНТДА

**Кеча пойтахтимиздаги «Тошкент» теннис марказида WTA Tour туркумига кирувчи «Tashkent open» халқаро турнири бошланди**

Ёдингизда бўлса, аёллар ўртасида анъанавий тарзда уюштирилаётган мазкур нуфузли мусобақа илк маротаба юртимизда 1996 йил Халқаро теннис федерацияси (ITF) ташаббуси билан ўтказилган эди. Орадан уч йил ўтиб, турнир ташкилотчилигини Бутунжаҳон аёллар теннис ташкилоти (WTA) ўз тасарруфига олди. Мукофот жамғармаси 145000 АҚШ долларини ташкил қилувчи бу йилги мусобақада Франция, Россия, Канада, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Словакия сингари дунёнинг ўн олти давлатидан ташриф буюрган ракеткачилар кортга чиқишмоқда.

Эътиборли жиҳати, Тошкент турнири кучлиларни аниқлаш билан биргаликда юртимизда иқтидорли теннисчиларни тарбиялашда муҳим мактаб вазифасини ўтаяпти. Жумладан, одатдагидек бу йил ҳам асосий тўр учрашувларидан олдин ташкил этилган саралаш баҳсларида Альбина Хабибулина, Нигора Сирожиддинова, Екатерина Якшибарова сингари бир қатор умидли ёшларимиз ўз омадларини синаб кўришди. Осиё чемпиони ва 2004 йилги «Tashkent open» халқаро турнири ғолиби Ирода Тўлаганова ҳамда мусобақанинг бултурги финалчиси Оқгул Омонмуродовалар эса асосий тўр баҳсларида тўғридан тўғри иштирок этадиган бўлдилар.

Қуръага кўра, кеча турнирнинг дастлабки босқичида Ирода ҳозир дунё теннис таснифида 63-поғонани банд этган Анастасия Якимова (Белорусь)га қарши кортга чиққан бўлса, Оқгул таиландлик Тамарине Танасугарн билан ўзаро баҳс юритди.

**(Ўз мухбиримиз)**

● **Интер-спорт**

## НИЗОЛАРГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

Классик шоҳмот ва ФИДЕ йўналишидаги жаҳон чемпионлари Владимир Крамник билан Веселин Топалов ўртасида мутлақ чемпионлик учун ўтказилаётган баҳсда ўзаро келишмовчилик юзага келган эди. Шу муносабат билан ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов масалани ҳал қилиш учун Элистага етиб келди. «Крамник билан маслаҳатлашиб, Топаловнинг розилигини олгандан кейин олтинчи партия учрашувини давом эттиришга келишдик, — дейди ФИДЕ президенти. — Мусобақа бош ҳакими жаноб Гейсен баҳс соати тугмасини яна босиб юборади».

Шунингдек, ФИДЕ раҳбари Топалов бошчилигидаги Болгария томонининг россиялик шоҳмотчининг ўзига ажратилган хонага узлуксиз бораётганига эътироз билдиргани, айни пайтда Крамникнинг апелляция қўмитаси ишидан кўнгли тўлмаётгани каби масалалар бартараф этилганини баён этди. Эслатамиз, ўйин бошида Крамник икки марта кетма-кет ғалаба қозонгач, учинчи ва тўртинчи партиялар дуранг бўлиб, россиялик шоҳмотчи 3:1 ҳисобида олдинда бораётган эди. Нима учундир, Крамник бешинчи партияни ўйнаш учун келмади. Қоидага кўра, унга техник мағлубият ёзилди. Шундай қилиб, ҳисоб 3:2 га етди.

## ЖАНГНИ БОКСЧИ ШАРҲЛАЙДИ

IBF йўналишидаги жаҳон чемпиони, ўрта вазнли боксчи Артур Абрахам шифохонадан чиқиб, соғлиғи яхшиланаётганлигини маълум қилди. У ўз унвонини ҳимоя қилиш учун Эдисон Миранд билан ўтказган жанг чоғида чакак суягини синдирган эди. Жарроҳлик аралашуви муваффақиятли кечган. Боксчи ўзининг соғлиғига ҳеч нарса хавф солмаётганини айтмоқда. «Мен шифохонадан кейин ўзимни жуда тетик ва бардам сезаяпман. Муҳими, унвонимни сақлаб қолдим. Албатта, ўша жанг қийин кечган эди, — дейди боксчи. — Яна икки ҳафтадан кейин умумжисмоний, яна икки ойдан сўнг ҳақиқий машғулотларга киришаман». Абрахам пайшанба куни Чикагога йўл олади. У WBA йўналишидаги жаҳон чемпиони, россиялик Николай Валуев билан америкалик Монте Баррет ўртасида ўтказиладиган жанг тафсилотларини Германиянинг ARD телеканали орқали бевосита шарҳламоқчи.



«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси газетанинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бўйича мухбири Иброҳим Жонузоқовга ўғли

**Ғофур ЖОНУЗОҚОВ**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент шаҳар ҳокимиятининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси жамоаси компания директори Анвар Рамзиддинович Ҳасан-Ходжаевга ўғли

**РАВШАН**нинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Baxtiyor DO`SJONOV
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Nomoz SA`DULLAYEV
Akbar JONUZOQOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1150
7474 нусхада босилди
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 21.45
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda